



ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ ЎРНИ

Кенжабоев Ш.А

Сам.ВМИ ТФ.Кафедра мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5573927>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Махорат, илғор
тажриба, қўникма,
малака, қобилият,
мустақил ўзлаштириш,
интеллектуал қобилият

ANNOTATSIYA

Ўқитувчи мустақил ишларни режалаштириш ва уларни дарсда бажартириш орқали ўқувчилардаги билим, қўникма ва малакаларни мукаммал эгаллашга, ҳар бир ўқувчида мавжуд имкониятларга асосан интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик", - дея таъкидлади. Дарҳақиқат, бугун нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Юртбошимиз бу ҳақидаги сўзларини давом эттирар экан, "Энг

катта бойлик бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта кашшоклик бу билимсизликдир!" дея, Шарқ донишмандларидан иқтибос келтирди ва шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши кераклигини таъкидлаб ўтди. [5]. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилни "Илм-маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш" йили деб эълон қилиши, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари



тўғрисида"ги ПК-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар асосида ўқув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасаларида ёш кадрларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш олий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири хисобланади [1].

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг иқтисодий ишлар чиқариш суръатлари жадал тараққиёт этиши туфайли баркамол авлодни ҳар томонлама жисмоний жихатдан камолотга эришиш учун барчаимкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда мустақил жамиятимизни мустахкамлашдек улкан ишларни амалга ошириш жараёнида талабаларни дарсдан кейинги фаолиятларини такомиллаштириш, уларни илмий , услубий, ижодий айниқса , мустақил ишларини ривожлантириш талаб этилмоқда. Таълим – тарбия ишлари жамиятимиз талаб ва эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда илмий жихатдан ташкил этиш, талаба ёшларни ўқитишни замон талабига жавоб бера оладиган усул ва услубларини илмий жихатдан ишлаб чиқиш , янги ўқув режаларини олий таълимнинг ислоҳ қилиш талабига мослаштириш, ўқитувчи ва профессорларнинг шарафли ишига айланди. Улар бу ишларни бажаришда олий ўқув юртларининг баркамол авлодни тарбиялашда олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан тарзда амалга оширмоқда.

Миллий дастурнинг талабидан келиб чиқиб ижтимоий-иқтисодий

шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатилиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи моддий техника ва ахборот базасини яратиш , яратиш, малакали профессор-ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, янги технология, компьютер тизими, ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган ўқув заллари, спорт майдонлари , сув хавзалари, теннис кортлари, машқ бажаришга мўлжалланган заллар, компьютер хоналари, кутубхона ишларини яхши йўлга қўйиш, таълим-тарбиянинг янги услубларини яратиш каби ишларини яхши йўлга қўйиш, таълим-тарбиянинг янги услубларини яратиш каби ишларни амалга ошириш мустақил ишни янада тараққий эттиришда муҳим омил эканлиги ўз кучини доимо сақлаб қолади.

Кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагогик кадрларнинг етишмаслиги сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги каби камчиликлар тузатилиб баркамол авлоднинг янада ривожланишига эътибор бериш кучайтирилди. “Олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар



хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган демократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчилар ва талабаларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолапти, оқилона ҳаётим ечимлар, қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ". (Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997, -Б.35.) Мустақил фикрлаш учун талабаларнинг мустақил иш олиб боришини мақсадга мувофиқ ташкил этиш олдимизга қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Мустақилликка эришганимиздан бошлаб талабаларни мустақил фикрлаш учун ўқитувчилар томонидан катта имкониятлар берилди, энди талаба олдинги талабалардан фарқли ўлароқ илмий, назарий ижодий, амалий ҳаётим масалалар ва муаммолар бўйича бемалол ўқитувчилар билан тенг фикр ва мулохазаларини баён этиб, мустақил фикрлаш қобилиятини тобора такомиллаштириб бермоқда. Лекин шуниси ҳам борки, талабаларни мустақил фикрлаш, мустақил ишларни ҳар бири алоҳида олинган фан бўйича методик маслаҳатлар, методик қўлланмалар, ўқув-методик монографиялар талаб даражасида яратилмаган, фақат айрим услубий мақолалар чоп этилган. Ҳозирги кунда бундай мақолалар билан чекланиб қолиш талабаларнинг мустақил ишлашларини ташкил этишда, мустақил фикрларини бойитишда айрим муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мустақил жамият ўқитувчи ва профессорлари ёш авлодни мустақил фикрлашга, мустақил ишлашга,

ижодкорлик қобилиятларини оширишга кейинги йилларда алоҳида эътиборни жалб қилмоқда. Ҳар томонлама ривожланган баркамол авлод даражасига олиб чиқиш каби улуғвор вазифани шараф билан бажариш ҳар бир ўқитувчининг шарафли бурчига айланди. Жисмоний маданият циклидаги фанлар бўйича янги ўқув режасига боғлиқ бўлган мустақил ишлар: маърузани дастур талабидан келиб чиқиб ўрганиш, конспект тузиш, янги дарсликлар, қўшимча адабиётлар билан ишлаш, алоҳида олинган мавзулар юзасидан хулосалар ёзиш, рейтинг саволларига тайёргарлик кўриш, ёзма ишларни ёзиш қоидаларини пухта ўрганиб олиш, реферат, курс ишлари, малакавий ишларни ёзиш, педагогик амалиёт жараёнида мустақил дарс ўтишга бир соатлик режа тузиш, айрим ҳолатларда машқларни мустақил бажариш ва шу қабиларни ошириш мустақил иш олиб боришнинг мазмунини ташкил этади.

Замонавий ахборот технологиялари билан мустақил ишлаш талабаларни дарс жараёнида олган билимларни янада мустахкамлашнинг муҳим йўллари билан биридир. Мазкур жараёнда сўз ва ибораларни такрорлаш, улардан гаплар, микро матнлар тузиш, таржималар қилиш, диалог тузиш орқали мавзунини мустахкамлаш, ўз фикрини чет тилда ифодалаш қабиларни ўз ичига олади.

Касб-ҳунар таълимини бошқаришда замонавий инновацион технология бугунги кунда энг кўп қўлланадиган технологиялардан бири ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон республикасининг



“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадирлар тайёрлаш миллий дастури”га асосан касб-хунари таълимни бошқариш давлат сиёсатининг бевосита ифодасидир. Умумий ўрта ва касб-хунар таълимнинг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора бири-бирига яқинлаштириб, уларни психологик жиҳатлари орқали бирлаштирмоқда.

Касб-хунар таълимни бошқаришда замонавий инновацион технологияларнинг психологик жиҳатлари орқали баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли, ўз ватани ва халқини манфаатларига садоқатли, касбини севадиган шахсларни вояга етказишда намоён бўлади.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифаси бўлиш билан бирга, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан, қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараён дир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчачик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади. Эркинлаштириш, жамиятни

маънавий янгилаш биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади. Буларнинг барчаси касб-хунар таълимни бошқариш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бунинг учун таълимни бошқариш ва ривожлантириш белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги барча университетларни, касб-хунар коллежларини, лицейларини, билим юртларини бошқаради ва раҳбарлик қилади. Олий ўқув юртлари ва касб-хунар таълими учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Хорижий кинофильм, телекўрсатувларда, интернетда, телефонда, СД ёзувларида фойдаланилган ўзга тил лексикаси билан танишиш, муҳим сюжет ва аҳамиятли ўринларга саволлар қўйиш, фикр алмашиш, якуний хулоса қилиш талабаларни мустақил ишлашида техник воситаларнинг ролини муҳимлигини яна бир бор исботлайди.

Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти бўйича мустақил ишларни ташкил этиш талабани репродуктив характердаги коп сўзлашига шароит туғдиради. Ёзма нутқни ривожлантириш тегишли



мустақил ишлар: СД ёрдамида диктант ёзиш эшитган ва кўрган матн, эпизодга саволлар режалар тузиш; бирга савол жавоблар тузиш; мавзунинг ахамиятли ўринларини кўрсатиш; масалан фаол лексика билан келган содда ибора ва гапларни немис тилида ўзбек тилига таржима қилиш талабаларда ахборот технологиялари билан ишлашга қизиқишини ортириб уларда керакли малакаларни юзага келтиради. Хар бир ўтилган мавзу якуний назорат иши билан бахоланади.

Чет тил ўрганишда мавжуд бўлган лаборатория амалиёт ишлари муҳим ўринга эга бўлиб, у қуйидаги вазифаларни: мустахкамлаш. Такрорлаш, ўтилган фанетик ва лексика граматик мавзуларни тўлдириш, бир тизимга солиш; талабани нутқ кўникмаси ва билимлари мустахкамлигини текшириш; мустақил ишлашда нутқ фаолиятини янада фаоллаштириш; компьютер тест саволлари билан ишлаш; талабаларда турли ахборот(кинофильм, СД телевизор. Интернет,ДВД) технологиялари орқали тингланган хорижий нутқни қабул қилиш малакаларини хосил қилишни ўз ичига олади.

Бошланғич босқич талабалари нутқидаги камчиликларни тузатиш техник воситалар билан бажариладиган мустақил ишларда қуйидагилар бажарилади:

А) немис тилида” от+фел зарурий формада” сўз бирикмалари ёрдамида гаплар тузиш машқларини қилиш; б) замонларни ўзгартириб гаплар тузиш машқлари,коммуникатив характердаги

текстларни турли замон формаларига қўйиб мазмунни гапириб бериш; в)маълум воқелик, ходисага тааллуқли гаплар, матнлар тузиш ва уларни турли замонларга қўйиб навбат билан сўзлаб бериш машқларини бажаради.

Ўтказилган амалий машғулотлар ва махсус тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, мустақил ишлаш талабани бўш вақтдан қандай фойдаланиш,уни дарс жараёнига таъсири, талабав ўз қобилияти ва имконияти даражаларини англаб олишига ва фойдали ишларга сарф этишини очиб беради, онгини ижобий юксалишига таъсир қилади. Ахборот технологияларини ўз ичига олган медиотека (Интернет, видео,аудио, барча техник воситалар билан жихозланган мустақил ишлаш хоналари) ташкил этиш мустақил ишларни жиддий , мақсадли ,унумли ва фойдали бўлимига замин яратади. Шунингдек, ахборот технологиялари билан мустақил ишлашга доир зарур дарслик ва қўлланмалар яратишни хам тақозо этмоқда.

Талаба,аввало,ўқитувчи томонидан берилган мустақил ишларнинг моҳиятли мазмунини ўзлаштириб олгандагина уни бажаришга киришади. Мустақил ишни амалга оширишда талабада илмий ишга қизиқиши ошади ,илк бор ижодий ишларни ўз мутахассислиги жисмоний маданиятдан алоҳида олинган мавзу бўйича бажара бошлайди. Ушбу ишларни амалга оширишда ўқитувчи талабага янги методик йўл-йўриқлар кўрсатади. Мустақил ишларни олиб боришда талаба қуйидаги вазифаларни: биринчидан янги технологияни билиши,



иккинчидан ,комьютор тизимини яхши эгаллаган бўлиши, учинчидан,янги манбалардан унумли фойдаланиш , тўртинчидан ,янги методик ишларни амалга ошириши, бешинчидан, илмий атамаларни қўллаш олиши, олтинчидан,мустақил иш олиб бораётган фанини ва мавзусини пухта билиши, еттинчидан хулоса қила олиш қобилиятига эга бўлиши,саккизинчидан,танлаб олинган мавзуни бошқа мавзулар билан бир тизимликни ташкил этишини англаш, тўққизинчидан, бажараётган мустақил иши жамиятга нима фойда келтириши мумкин, ўнинчидан, ўзининг илмий ва ижодий фикрини баён эта олиш қобилиятига эга бўлиши ,ўн биринчидан , мантиқий фикрлаш қоидаларига амал қилиши ,ўн иккинчидан, мустақил ишнинг тарбиявий аҳамиятини ва шу кабиларни мақсадга мувофиқ тарзда ўзлаштириб олган бўлиши керак.

Талабалар мутахассислик фанлардан бўладиган мустақил ишларни астойдил бажарилиши натижасида ўз билимларини ошириш,фанга бўлган қизиқишини янада бойитади.

Дарсда ва дарсдан ташқи вақтда ўқувчилар мустақил ишларини ташкил қилиш таълим жараёнини самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан хисобланади. Мустақил ишлар ўқув материали мазмунига, характерига кўра қисқа муддатли ёки мураккаброқ ва узоқ муддатли бўлади. Мустақил ишлар дарс жараёнида ва дарсдан ташқи вақтларда бажарилган ишлардан иборат бўлади. Дарсдан ташқари ўқувчилар мустақил ишларини ташкил қилиш ўқувчининг дарсдаги мавқеи таъсирини

пасайтирмайди, аксинча, мустақил ишларни тўғри ташкил қилиш ўқувчидан педагогик маҳорат ва илғор тажрибани,чуқур методик таёрганликни талаб қилади. Ўқитувчи мустақил ишларни режалаштириш ва уларни дарсда бажартириш орқали ўқувчилардаги билим, кўникма ва малакаларни мукамал эгаллашга, хар бир ўқувчида мавжуд имкониятларга асосан интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этиш тўғрисидаги” мувоқат Низомда мустақил ишларни ташкил қилишнинг асосий мақсади фан ўқитувчисининг раҳбарлигида ва назорати остида ўқувчи умумтаълим ва касбий фанлар ва ихтисосликлари бўйича назарий ва амалий ишларини мустақил равишда бажариш учун, унда зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш, фикрлаш ва ижодкорлигини ошириш, ахборот технологиялари билан мустақил ишлаш қобилиятини юксалтириш деб кўрсатилган. Ўқувчиларнинг ҳафталик мустақил ишларининг ҳажми 16 соатни ташкил этиши кўзда тутилган. Ўқувчилар мустақил ишлари турли ташкилий шаклларда амалга оширилади.

Хар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини хисобга олган ҳолда:

-айрим касбий фанларнинг назарий мавзуларини ўқув адабиётлари , дидактик материаллари ҳамда электрон ўқув дарсликлари дарсликлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;



-конференциялар ва семинарларда маърузалар билан иштирок этиш;

-лабораторияларга тайёргарлик кўриш;

-реферат, курс иши, диплом иши лойихаларини бажариш;

-ўқув ва ишлаб чиқариш амаалиётидаги амалий кўникмаларни махсус

адабиётлардан фойдаланиб мустахкамлаш;

-турли кўргазмалардан мустақил иш натижалари бўйича ижодий иш намуналари билан қатнашиш;

-дарс жараёнида ўрганилган мавзуларни схема, жадвал ва жадвалларда акс эттириш

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". -Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда келажак авлодни маънавий жиҳатдан ривожлантириш ютуқлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. Ташкент. Ўзбекистон! 998. -312 б.
3. Ш.М. Мирзиёев. Биз озод ва обод, демократик давлат Ўзбекистонни бирга қурамиз. - Т: "Ўзбекистон" - 2016.
4. Institut Pendidikan Gum Kampus Dato' Razali Ismail Teaching English Grammar in Malaysian Primary Schools Manual for short course, www.englishforyoungkids. com. 2014
5. Хошимов Ю., Якубов И. Ингилиз тили ўқитиш методикаси. Ташкент, Ўқитувчи. 2003